



Vebsayt: <https://involta.uz/>

ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ ВА УНИНГ ДИДАКТИК ИМКОНИАТЛАРИ

Халилов Орзиқул Қодирович

Жиззах политехника институти

***Аннотация.** Ушбу мақолада педагогик технология илгаридан лойиҳалаштирилган таълим-тарбия жараёнининг методлар тизимини, таълимнинг методик усулларини, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликда фаолият кўрсатиши имкониятлари ва воситаларини, ўқувчиларнинг ижобий шахсий сифатларини ривожлантириши мақсадини, якуний натижаларга эришиши воситалари ва усулларини мужассамлаштиради.*

***Калит сўзлар:** Педагогик технология, дидактик, алгоритм, эвристик .*

***Annotation.** In this article, pedagogical technology integrates a system of methods of pre-designed educational process, methodological methods of teaching, opportunities and means of cooperation between teachers and students, the goal of developing positive personal qualities of students, tools and methods to achieve the final result.*

***Keywords:** Pedagogical technology, didactic, algorithm, heuristic.*

***Аннотация.** В данной статье педагогическая технология объединяет систему методик заранее спроектированного учебного процесса, методические приемы обучения, возможности и средства взаимодействия учителя и учащегося, цель развития положительных личностных качеств учащихся, средства и методы достижения итогового результата. результат.*

***Ключевые слова:** педагогическая технология, дидактика, алгоритм, эвристика.*

Ўзбекистонлик педагог олимлар ишларида ўқув-тарбия жараёнини самарали бошқаришни таъминлаш борасидаги талабларни қондира олувчи шакл ва методларни танлаш, самарали интерфаол методларни яратиш, шу асосида ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини ошириш ҳамда таълим стандарти талаблари даражасида онгли, пухта ўзлаштирилишига имкон берувчи педагогик технологиялардан фойдаланиш йўллари кўрсатиб ўтилган. Политехник йўналишларга доир физикадан дарс машғулотларини ташкил этиш ва уни ўтказишда янги педагогик технологияларни қўллаш ўқувчиларни касбга қизиқтириш ҳамда касбнинг ўзига мос йўналишларини тезкорлик билан аниқлаб олиш имкониятларини яратади.

Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»даги асосий вазифалардан бири таълим-тарбиянинг сифатини ошириш, таълим мазмунини янгилаш, ёш авлоднинг ақлий- интеллектуал тараққиётини таъминлашга йўналтирилган узлуксиз таълим-тарбиянинг янги моделини илмий-педагогик жиҳатдан таъминлаган ҳолда мунтазам такомиллаштириб боришдан иборатдир. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури самарадорлигини оширишда узлуксиз таълим тизимини педагогик ҳамда информацион технологиялар билан таъминлашга эришиш алоҳида аҳамият касб этади. Маълумки, педагогик технологиялар, уларнинг табиати, босқичлари, таркибий элементлари ҳақида бугунги кунда шу соҳа мутахассислари орасида ҳам турли қарашлар мавжуд. Шунинг учун ҳам,

бугунги кунга келиб мутахассислар олдида педагогик технологиянинг турлари, унинг элементлари, амалдаги жорий методикадан фарқи, педагогик технологияларнинг самарадорлик даражаси, модели технологияларни шакллантирувчи элемент ва воситалар, педагогик технологияларнинг педагогик-психологик асослари каби бир қатор муаммолар Республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий анжуманларда, илмий-методик мажмуаларда ва бошқа манбаларда ўзининг илмий ечимини топмоқда ва ўқув жараёнини такомиллаштириш юзасидан инновацион технологияларнинг ўрни ва аҳамияти асослаб берилмоқда.

Педагогик технология таълим-тарбия тизими олдида қўйилган мақсадга эришиш воситаси сифатида таълим-тарбия жараёнини олдиндан лойиҳалаштириш, таълим-тарбиянинг методлари, таълим-тарбия бериш имкониятлари, ўқитишнинг ташкилий шакллари, ўқитиш воситалари, ўқитувчи ва ўқувчилар кўникма ҳамда малакаларини баҳолашнинг рейтинг технологияси, таълим олувчиларнинг тарбияланганлик, ривожланганлик даражасини аниқлашнинг усул ва воситалари, ўқитувчининг педагогик маҳорати, ўқувчи ҳамда ўқитувчи муносабатларининг янги, замонавий талқини амалдаги методик ишланмалардан фарқли ўлароқ ўқитувчи шахсининг камол топганлиги, унинг муваффақиятларини таъминлашга йўналтирилган дарснинг ҳилма-хил ишланмалари ҳақида батафсил илмий мунозара юритишни, уларнинг ижобий томонларини ажрата олиш ва оммалаштиришни кўзлайди.

Педагогик технологиянинг марказий муаммоси таълим-тарбия жараёни, педагогик амалиёт олдида қўйилган мустақил фикрловчи, эркин, демократик шахсни, комил инсонни шакллантиришга эришиш экан, шак-шубҳа йўқки, мустақил мамлакатимиз янги таълим тизими олдида қўйилган буюк мақсад сари бориш, педагогик тадқиқотларни янгидан-янги назарий ҳамда амалий қарашлар билан бойитиш ва таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш йўлида муҳим қадам бўлади.

Технология юнонча сўз бўлиб, «technе» - «маҳорат», «санъат» ва «logos»- «тушунча», «ўрганиш» демакдир. Технология сўзи замирида жараёнларни амалга ошириш усул ва воситалари ҳақидаги билимлар йиғиндиси, шунингдек, объектда содир бўладиган сифат ўзгаришлар тушунилади.

Ўқитувчилар ўз иш фаолиятини қуйидаги технологик жараёнга бўйсундиришлари керак: тартибга солиш, бир тизимга келтириш, илгаридан лойиҳалаштирилган таълим жараёнини босқичма-босқич амалиётга жорий этиш.

«Таълим технологияси» тушунчаси «таълим методи» тушунчасига нисбатан кенгдир. «Таълим технологияси» тушунчаси - таълим мақсадига эришиш воситаси, яъни илгаридан лойиҳалаштирилган таълим жараёнини яхлит тизим асосида босқичма-босқич амалиётга жорий этиш ва шу мақсадга эришишнинг метод, усул ва воситалар тизими, таълим жараёнини бошқаришни ифодалайди.

«Таълим методи» - ўқув жараёнининг комплекс вазифаларини ечишга йўналтирилган ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликда фаолият кўрсатиш усули. «Таълим методикаси» эса муайян ўқув предметини ўқитишнинг илмий асосланган метод, қоида ва усуллар тизимини ифодалайди.

«Педагогик технология»нинг моҳияти дидактик мақсад, талаб этилган ўзлаштириш даражасига эришиш ва уни татбиқ этишни ҳисобга олган ҳолда таълим жараёнини илгаридан лойиҳалаштиришда намоён бўлади.

Ўқитувчининг актив фаолият кўрсатишига йўналтирилган, таълимнинг педагогик технологияси дарснинг методик ишланмасидан фарқли ўларок таълим оловчи (ўқувчи)ларга йўналтирилган бўлиб, уларнинг шахсий ҳамда ўқитувчи билан биргаликдаги фаолиятини ҳисобга олган ҳолда ўқув материалларини ўзлаштиришга қаратилади. Педагогик технологиянинг марказий муаммоси ўқувчи шахсини ривожлантириш орқали таълим мақсадига эришишни таъминлашдан иборат. Педагогик технологиянинг тамойиллари қуйидагилардир:

-кафолатланган якуний натижа; -таълимнинг маҳсулдорлиги;
-тескари алоқанинг мавжудлиги; -таълим мақсадининг аниқ шаклланганлиги.

Педагогик технология доирасида янги ўқув материални ўзлаштиришнинг бошланғич, алгоритмик, ижодий, эвристик ҳарактердаги даражалари мавжуд.

Бошланғич ҳарактердаги даража - ўқувчининг эшитганлари, уларга берилган намуналар, тақдим этилган алгоритм ва кўрсатмалар асосида топшириқларни бажариш кўникмасини ифодалайди.

Алгоритм ҳарактердаги даража - билим ва кўникмалар мазмунини татбиқ қила олиш маҳорати, бир типдаги масалаларни еча олиш, ёзиб олиш ва эслаб қолиш фаолиятини амалга ошириш кўникмасини ифодалайди.

Ижодий ҳарактердаги даража - ўқув материални, шунингдек, илгари ўзлаштирилган билим ва кўникмаларни турли ҳолатларда татбиқ эта олиш маҳорати билан ҳарактерланади.

Эвристик ҳарактердаги даража - тақдим этилган ўқув масалаларини ечиш йўлларини излаш ҳамда бу муаммоларни ечиш учун янги ахборотларни мустақил тарзда излаб топиш кўникмасига эга бўлиш билан ҳарактерланади.

Бошланғич ва алгоритм ҳарактердаги даражалар репродуктив пландаги билим ва кўникмаларни талаб қилади. Ўзлаштиришнинг ушбу даражаларидаги педагогик технологияни ижрочи технология деб аташ мумкин.

Ўқув материални эсда сақлаб қолишга ва кўникмаларни ҳосил қилишга йўналтирилган билим ва маҳоратлар даражаси ўқувчиларнинг репродуктив ва маҳсулдор (продуктив) фаолиятларини уйғунлаштиришни талаб қилади. Бу даражанинг педагогик технологияси муаммоли-ривожлантирувчи технологияга алоқадордир. Бундай технология асосида таълим жараёнини ташкил этганда ўқувчилар ўқув материални рефератлаштиришга, маърузалар билан чиқишга, мунозараларда ва ишчан ўйинларда иштирок этишга

ўрганишлари лозим.

Ўқув фаолияти изланувчи, эвристик ҳарактер касб этганда, юқори даражадаги муаммоли, муаммоли-ривожлантирувчи таълим методи, вазиятларни таҳлил қилувчи топшириқлар методи, ишчан ўйинлар, мустақил ишлар, муаммоли ҳарактердаги топшириқлардан фойдаланиш зарур. Бу даражанинг педагогик технологияси эвристик технология деб аталади.

Таълим жараёнининг дидактик таркиби қуйидаги педагогик технологияларни ажратишга имкон беради:

- муайян ўқув-тарбия мақсадларини бажаришга сабаб бўлувчи омилларни яратишга асосланган педагогик технология (келгусида ўқув омилларини яратиш технологияси);
 - фаолият кўрсатишга асосланган педагогик технология;
 - бошқаришга асосланган педагогик технология.

Таълим-тарбия жараёнининг мавзуси бутун дарс давомида ўқувчининг фаоллигини, мунтазам тарзда қизиқувчанлигини уйғотишга ундаш мақсадини кўзда тутди. Ўқув омилларининг амалиётга асосланган педагогик технологияси ўқувчиларни тезкорлик билан ўқув ёки ўқув-ишлаб чиқариш фаолиятига жалб қилишга имкон беради. Акс ҳолда, заиф, етарли даражада тушунарли бўлмаган ва натижани кўзламаган топшириқлар мавзунинг беқарор бўлишига олиб келади.

Ўқув омилларини яратишга асосланган педагогик технологияни татбиқ этиш ва унинг мақсадига эришиш ўқитувчининг педагогик маҳорати, мулоқот маданияти, нутқининг тўғрилиги, коммуникатив маҳоратининг ўқувчиларга таъсири, педагогик техникани эгаллаганлик даражаси ва бу техникани бевосита дарсда қўллашга улгура олишига боғлиқдир. Бу фаолият ўз навбатида янги коммуникатив технологияга асосланган ҳолда амалга оширилиши керак. Бу жараёнда ўқитувчи турли кўринишдаги фаолиятларда иштирок этади. Худди шундай педагогик фаолият шаклларида бири ўқитувчининг ўқувчилар билан мулоқотига асосланган биргаликдаги фаолиятидир. Ўқитувчининг

Ўқувчилар билан мулоқоти (хикоя, суҳбат, маъруза) ижтимоий нуқтаи назардан ўқувчи шахсига йўналтирилган бўлади. Шу ўринда ўқитувчи ўқувчида мустаҳкам ўрнашган ишончни шакллантириши лозим. Бу ишонч бевосита ижтимоий муносабатларга татбиқ этилади. Бундай мулоқот ўқувчилар гуруҳига мўлжалланган бўлиб, бевосита жамоа меҳнати сифатида намоён бўлади. Мулоқот якка шахсга ҳам йўналтирилган бўлиши мумкин, яъни ўқитувчининг ўқувчи билан ҳамда бир ўқувчининг иккинчи бир ўқувчи билан мулоқоти сифатида. Мулоқот йули билан ўқувчилар мавжуд нарса ва ҳодисани билиб оладилар, янгидан-янги ахборотларни қабул қиладилар. Шунингдек, ўқитувчи ўқув дастури талабларидан келиб чиққан ҳолда, ўқувчи шахсини ўрганади.

Ўқитувчининг ўқувчи билан мулоқоти педагогик ҳарактердаги мулоқот бўлиши, аниқ педагогик вазифани бажаришга йўналтирилиши керак. Жумладан, оптимал, яхлит, қулай ўқув муҳитини, руҳий вазиятини, ўқув фаолиятини оптималлаштириш, ўқитувчи ва ўқувчилар орасидаги муносабатни ташкил этиш, шунингдек, ўқувчилар жамоаси орасидаги муносабатни шакллантириш назарда тутилади.

Хулоса қилганда, илгаридан лойиҳалаштирилган таълим-тарбия жараёнининг педагогик технологияси ўзида методлар тизимини, таълимнинг методик усулларини, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликда фаолият кўрсатиш имкониятлари ва воситаларини, ўқувчиларнинг ижобий шахсий сифатларини ривожлантириш мақсадини, яқуний натижаларга эришиш воситалари ва усулларини мужассамлаштиради.

Адабиётлар:

1. Инатов Х. “Физика ўқитишнинг назарий масалалари”. Тошкент–Тафаккур–2010 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Тошкент–Шарқ–1997 йил.
3. Сайидахмедов Н.С. “Янги педагогик технологиянинг моҳияти”.

Журнал “Халқ таълими”

4. [“Цель и задачи самостоятельной работы студентов”](#).

А.А.Мустафакулов, О.К. Халилов, Ш.С.Уринов. ГГТУ им. ПО Сухого

5. [“Кимё ва физика курсини ўқитишда лаборатория ишларининг мақсад ва вазифалари”](#). О.К. Халилов, Д.Т. Бобонов. Scientific progress 2 (6), 199-203

6. [“Физика фанини ўқитишда Марказий Осиё олимларининг илмий меросидан фойдаланиш”](#). О.К. Халилов, Б.Х. Маматкулов, Г.О.Нуруллаева.

7. “Табақалаштирилган таълим - илғор педагогик технологиянинг бўғинидир”. О.К. Халилов.

8. Khalilov O. K. et al. Structured education is a link of advanced pedagogical technology //Science and Education. – 2022. – Т. 3. – №. 1. – С. 444-448.